

Фарзанд доимо ота-онага ширин сўзларни айтиши вожибдир (олтинчи мақола)



13:30 / 15.09.2020 2655

islom.uz - 68 - ??????? ?????? ???-????? ?????? ?????????? ??????? ?????????? (6)

19. Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан яна бири – уларнинг обрўсини ҳимоя қилиш ва обрўсизланишларига йўл қўймаслик.

نَأْرِيءَابَكُلِّلَانِم : ملسو هيلع هلل ىلص ى بَّنل لاق : لاق ورمَع نَب هلل دَبَع نَع
هُابَأ مُتَشَي ف لُجْرلأ مُتَشَي : لاق ؟ مُتَشَي فَيَك : اُولاق ف ِ هِي دِلأ و لُجْرلأ مُتَشَي
بَدَأل ا ي ف ِ رَاخُ بُلأ هَأور ُ هُمَأو

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ота-онасини сўкиши гуноҳи кабийралардандир», – дедилар.

«Қандай қилиб сўкади?» – дейишди.

«Бир одамни сўкади. У эса унинг ота-онасини сўкади», – дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Албатта, ҳар қандай ёмон одам ҳам ота-онасини тўғридан-тўғри сўкмайди. Саҳобалар ҳам шу мулоҳазани қилиб: «Киши ота-онасини қандай қилиб сўкади?» деб сўрашганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишнинг қандай ҳосил бўлишини тушунтириб бердилар.

Биров бир одамни сўкади, сўкиш эшитган одам «отангга фалон», «онангга фалон» деб, унинг ота-онасини сўкади.

Демак, ўз ота-онасини бошқа одамнинг сўкишига сабабчи бўлган кимса ўз ота-онасини сўккан бўлар экан. Бу иш эса, гуноҳи кабийралардан саналади. Шунинг учун фарзанд ота-онасига лаънат келтиришга эмас, балки уларнинг атрофдагилардан, халқдан раҳмат, ташаккур олишларига ҳаракат қилмоғи керак.

Фарзанд бир ёмон ишни қилса, бировга ёмон муомала қилса, «отанг фалон», «онанг фалон» бўлсин каби сўкишларга сабаб бўлса, бу нарса ота-онаси учун ниҳоятда ёмон бир иш ва ушбу ҳадиси шарифнинг таъбири ила айтганда, ота-онасини сўккан, гуноҳи кабийра содир қилган кишиларнинг қаторида бўлади.

Фарзанднинг ота-онага яхшилик қилиши турларидан бири – уларни хурсанд қилишнинг чораларини кўриш.

Бу иш ота-онага уларни хурсанд қиладиган совғалар тақдим қилиш ва шунга ўхшаш кўпгина нарсалар билан бўлиши мумкин. Фарзанд бу ишларни ота-онасининг хурсандчилиги учун қилиб туриши зарур. Жумладан, бундай ишларга қуйидагилар киради:

- Ота-онанинг молу мулкларини ва керакли нарсаларини муҳофаза қилиш.
- Ота-онанинг рухсатисиз бирор нарса олмаслик.
- Ота-онага роҳатбахш нарсаларни ҳозир қилиш.

- Ота-она ухлаётганларида уларни безовта қилмаслик.
- Ота-онанинг хоналарига уларнинг изнисиз кирмаслик.
- Ота-онадан олдин таомга қўл узатмаслик.
- Яхши нарсаларни ўзидан олдин ота-онага тақдим қилиш.
- Ота-онанинг олдиларида ёнбошламаслик.
- Ота-онанинг олдиларида оёғини узатмаслик.
- Ота-онадан юқорига ўтирмаслик.
- Ота-онадан барча ишларда маслаҳат сўраш.
- Ота-онанинг фикрлари ва тажрибаларидан фойдаланиш.
- Ота-онанинг насиҳатларини жону дил ила қабул қилиш.
- Ота-она ҳақларига дуода бўлиш ва ҳоказолар.

Чунки ҳар бир фарзанд учун ота-онани рози қилиш ўта муҳим нарса ҳисобланади.

لَا أَقْمَلُ سِوَهُ لَعَلَّ يَصِيَّبُ لَنَا عُرْوَةٌ عُلْوَةٌ لَيْضَرَ وَرَمَعْنَا بِلَلِّ دَبْعَةٌ نَعِيذُ مَرَّتْ لَهَا أَوْرِدُ أُولَاطِحَسَّ يَفِيَّبُ لَنَا طِحَسَّ وَدِلْ أُولَاطِحَسَّ يَفِيَّبُ لَنَا أَوْرِدُ

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Роббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир», - дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шунинг учун Аллоҳ таолони рози қиламан, деган киши ота-онасини Аллоҳ таоло чизган чегарада рози қилишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Бизда «Ота рози - Худо рози» деган гап бор. Худди шу халқ сўзи биз ўрганаётган ҳадиснинг таржимасидир. Роббнинг розилиги волид - ота-онанинг розилигидадир. Робб, яъни Аллоҳ таолонинг норозилиги - ота-онанинг норозилигидадир.

Демак, Аллоҳ таолонинг розилиги ота-онанинг розилигига боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Ҳаттоки, ота-она фарзандга зулм қилиб турса ҳам, фарзанд уларнинг ғазабига сабаб бўладиган гап-сўз, ҳаракат ва ишларни қилмаслиги керак.

Ота-она зулм қилиб турибди, лекин агар фарзанд ўша зулм қилган ота-онанинг ғазабини чиқарган бўлса, Аллоҳ таоло ундан ғазабланар экан. Менга зулм қиляпти, деб ота-онасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ўша бандадан норози бўлар экан.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунича Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», – дедилар.

Шунда бир киши: «Агар ота-оналар болага зулм кўрсатган бўлса-чи?» – деб сўради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Агар улар боласига зулм кўрсатган бўлсалар ҳам, фарзанд уларни ранжитмаслиги керак», – деб жавоб бердилар.

Аммо, ота-онанинг розилиги ва норозилиги Аллоҳ таолонинг ҳукмидан ташқарига чиқмаслиги шарт. яъни Аллоҳнинг амрига мувофиқ ишлардагина ота-онага итоат қилинади. Бироқ, ота-онанинг гапи Аллоҳнинг амрига хилоф бўлса, уларга итоат қилиш вожиб бўлмайди.

(Тамом)

[Бешинчи мақола](#)

«Бахтиёр оила» китобидан